



20 20 у « 5 » сентябрь

№ Қ-444

« » 20 г.

**Бандихон тумани “Бойсун” ва “Сайроб”
массивлари худудидан “Бандихон кимё”
МЧЖга “Тош майдалаш, бетон ва плита
заводлари”ни ҳамда “Ғишт заводи”ни
қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/351-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 20 апрелдаги 01-03/85-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 03-02/351-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “Бандихон кимё” МЧЖга Бандихон тумани “Бойсун” массиви “Қудуқсой” маҳалласи худудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1211қ-дала контуридаги 0,70 гектарига “Тош майдалаш, бетон ва плита заводлари”ни қуриш ва “Сайроб” массиви “Сарой” маҳалласи худудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1560қ-дала контуридаги 0,80 гектарига “Ғишт заводи”ни қуриш учун жами 1,5 гектар яйлов ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқий билан ажратилсин.

3. “Бандихон кимё” МЧЖ “Тош майдалаш, бетон ва плита заводлари”ни ҳамда “Ғишт заводи”ни қуриш мақсадида ажратилаётган жами 1,5 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 17 516 280 (ўн етти миллион беш юз ўн олти минг икки юз саксон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов